

«ДУСТЛИК»
ОРДЕНИ
ТОПШИРИЛДИ

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исроил Каримов Навоий кон металлургия комбинати директори Николай Куцерскийга «Дўстлик» ордени топирилди.

— Николай Ивановичнинг йирик корхона сардори сифатида мамлакатимиз саноати равишига катта меҳнатлари сингган, — деди Исроил Каримов. — Бугун Ўзбекистон халқига сизнинг меҳнат қилаётган шундай инсонга муваффақият дўстлигини нишонини топираётганимдан хурсандим.

— Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки кунлардан унинг мустақиллигига, толеи порлок халқига садоқат билан хизматда бўлишини ният қилган эдим, — деди Н. Куцерский Исроил Каримов миннатдорлик билдириб экан. — Шу эгу ниятим йўлидаги камтарин меҳнатимнинг бу қадар юксак баҳолашга мени қанчалик қўллади. Мамлакатимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги йўлида бор кучимни аямай меҳнат қиламан.

ПРЕЗИДЕНТ
ХУЗУРИДА
ҚАБУЛ

13 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исроил Каримов «Би-Би-Си» уюлди сервис» ахборот компаниясининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Жанубий-Шарқий Осиё минтақаси бўлими директори Дэвид Мортин жаноблари билан учрашди.

Воқеаларни ҳаққоний ёритиш, жаҳон мамлакатларида юз бераётган ўзгаришлар, уларни кенг халқ оmmasига етказиш, унда ахборот воситаларининг ўрни ва шу каби масалалар суҳбатнинг боши мавзуси бўлди.

14 октябрь куни эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исроил Каримов Хитой газеталарининг мухбирлари Ли Лэй ва Инь Шу Гуларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари 24 октябрда Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтган таърифу асосларини, асосларини, ушбу мамлакат оммавий-ахборот воситаларининг ўрнини таъриф қилиш билан таништирди.

Инь Шу Гун ва Ли Лэй ўз таърифуларини номидан Тошкентда Хитой газеталарининг акадотхонасини очиб ҳаққоний истогини билдирди. Уларнинг бу таърифларини Президентимиз ижобий баҳолади.

ЎЗБЕКИСТОН
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХХРГА
ТАШРИФИГА ДОИР

Хитой Халқ Республикаси Раиси Цзян Цзяминнинг таълифига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исроил Каримов 1994 йил 24-26 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

Мен Қўқон Давлат педагогика институтининг ўзбек тили кафедраси профессори бўлиб ўтиришман. Вақтдан вақтга ўтиб бораган, Аммо сўнгги йилларда газета ва журналларнинг нархи биринчи юзюзлаганича ўзгариб бораётган бўлиб, буни кўриб қолганда, 1995 йил учун ана шу газетани обуна бўлиб, Тўғри, «Тошкент

Шу кунларда юртимизда катта байрам — улуг бобокалонимиз Муҳаммад Тарағай Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтмоқда. Байрам шодоналари азим шаҳар — Самарқандга кўчи.

15 октябрь куни Ўзбекистон Президентининг Исроил Каримов Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун Тошкентдан Самарқандга жўнаб кетди. Тошкент аэропортида Ўзбекистон раҳбарини республика Олий Кенгаши Раиси вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Х. Жураев, Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шундан сўнг республика Президентининг Исроил Каримов ва байрам иштирокчилари Ўлуғбек расадхонасини боғиб кўрдилар. Ўртбосимиз ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар буюк бобокалонимиз ҳурмати бажо келтириб, расадхона ёнида қад ростлаган Мирзо Улуғбек ҳайкали

САМАРҚАНД
ДИЁРИДАГИ
ТАНТАНАЛАР

Мирзо Улуғбек таваллудининг 600
йиллиги кенг нишонланмоқда

вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Х. Жураев, Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шундан сўнг республика Президентининг Исроил Каримов ва байрам иштирокчилари Ўлуғбек расадхонасини боғиб кўрдилар. Ўртбосимиз ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар буюк бобокалонимиз ҳурмати бажо келтириб, расадхона ёнида қад ростлаган Мирзо Улуғбек ҳайкали

пийга гулчамбарлар қўйиб, уларни мукамал бажариш зарур эканлигини ўқитиб ўтди. Байрам тантаналарининг марказий воқеалари Самарқанд шаҳрининг юраги бўлиб қолган Регистон майдонида бўлиб ўтди. Дастлаб юртбошимиз шу ерда ташкил қилинган халқ амалий санъати кўргазмаси билан танишиб, хунарамандлар меҳнатига юксак баҳо берди ва юбилей катнашчиларининг олишлари остида Регистон майдонида ташриф буюрди.

Байрам тантаналарининг Самарқанд вилояти ҳокими Пўлат Абдураҳмонов кириш сўзи билан очди. Сўнг минбарга Президент Исроил Каримов кўтарилди. Ўртбосимиз юбилей иштирокчиларини кутлуг сана билан кутлади.

Театрлаштирилган томошадан сўнг юртбошимиз Мирзо Улуғбек мадрасаси ва мадраса қошидаги музей билан танишди.

Байрам тантаналарига республика ҳукумати томонидан уюштирилган расмий қабул яқун ясади.

Шу кунинг Президент Исроил Каримов Самарқанддан Тошкентга қайтиб келди. Пойтахт аэропортида юртбошимизни Республика Олий Кенгаши Раиси вазири Исроил Каримов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.



Айни шу кунларда диёримизда аниб бир шуқу кезиб юрибди. Гўё аллома даҳисига мунаввар олам таъзим бажо қилаётгандек. Улуғ бобомиз руҳи-покини ҳар қанча ёлға олсак, таъзимлар қилсак ҳам оз, Зеро, Мирзо Улуғбек деганда жаҳон илму аҳли таъзим олган мунажжим олмиги англадиқ, олис юлдузлар сиридан воқиф бўлдик, алломанинг бебаҳо меҳнатини ҳақиқатан ўрганмоқдасиз. Улуғ алломига таълимнинг 600 йиллиги кенг нишонланаётган шу давлларда Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг номи тилларимизда, дилларимизда.

Серкўш юртимиз азалдан боту-роғлари, сулим гўшала-

ри билан ҳам доғ таратган. Пойтахтимизда таъриф таъсифи Боғи Эрамдан қолдирилган муқаддас маскан бўлиб эгилди, десак асло муволаға эмас. Буюк олми, мунажжим, давлат арбоби Мирзо Улуғбек номи билан аталуви ҳи хибон ҳамшаҳарларимиз кўз ўнгига бунёд этилиб, гуллаб-яшнади. Айни пайтда бу муқаддас қадимки зияратга келувчилар сонига тобора кўпайиб бормоқда.

Пойтахтимиз меҳмонлари, сайёҳлар Академиклар шаҳарчасига йўллари тушиб қолса кўчалар ҳар қанчонгидан сулим, байрамона безатилганини кўришди. Жаҳонга танилган аллома номи-

ни улугловчи ширлар, панолар албатта диққатиниғизни жалб этади. Шундоқина хибонга қираверишда Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг брезданан шилланган ҳайкали қад кўтарган. Аллома бир қўлини ер шарни шакли устига қўйганча халға чўмган. Йилватар юлдузлар отушидаги мунажжимнинг кўриниши олми фузалоларимизнинг ёркин сиймосини ифода қилади. Хибондаги саришталлик, тартиб билан экилган, яшнаб турган дарахтлардан кўзингиз қувнайди. Пулалар бўйлаб ичкарига кирсангиз рўпарада катта мармар ҳовуз кўзга ташланади. Ундан оқиб тушаётган энгол сув яна бешта кичик ҳовузалардан ўтиб, чархпалак ҳовузида ҳовузага тушади. Чархпалакдаги кўзачалар сувга тўлиб, яна қайта қуйилаётгандаги манзара, фавворалардаги отилиб турган сувлар хибонга аниб бир гўзаллик бахш этган.

Президентимизнинг Фармони билан 1994 йил Улуғбек йили деб эълон қилинган, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ушбу боғини дарпо этишга киришганидан қўчқилининг хабари бор. Олимнинг 600 йиллиги тўйи шарафати билан маъмур муқаддас масканда кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Меҳмонлар Анвар Раҳматиллаев ва

Леонид Рибчевлар лойиҳаси асосида Мирзо Улуғбекнинг ҳайкали қайта таъмирланди. Хибондан 11 та фаввора, чархпалак маъмур ўрин олди. Боғини бунёд этишда «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси, «Тошкентқурилиш» корпорациясининг 4-трести қурувчилари, Тошкент шаҳар йўллари соғлаш бошқармаси ва бошқа жамоаларнинг қўшган ҳиссаси катта бўлди.

— Келгусида хибонда маҳалла маданият маркази, ёзги қаҳвахона, ўқувчиларга дарс ўтиладиган кичик расадхона қуришни ҳам режалаштирганмиз, — деди Улуғбек тумани ҳокими ўринбосари Азиз Тўраев. — Бу жойини янада обод, кўркам қилиш учун бор имкониятларини ишга соламиз. Зеро, улуг олим Мирзо Улуғбек номи билан аталуви хибон пойтахтимиз меҳмонлари ва хорижий юртлардан келатган сайёҳларнинг муқаддас зияратгоҳига айланиши зарур.

Саъдулла ШОДИЕВ.
СУРАТЛАРДА: шахрининг Академиклар шаҳарчасида бунёд этилган Мирзо Улуғбек номи билан аталуви хибонда.

Козим Умаров олган суратлар.



ҚИЗИҚАРЛИ МУЛОҚОТ

қов ва бошқалар Улуғбекнинг ҳаёти ҳамда илмий Улуғбек МУҲАММАДИЕВ.

Буюк олми ва давлат арбоби Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллигига бағишланган навабдаги маъсус сўзифа материалларини «Оқшомнинг 3-сўзифасида» ўқисиз.

иш юзасидан Тошкентга борадиган бўлсам, бир-икки мақолаларимни тайёрлаб бораман. Ўқимашли газеталарда мақолаи чиқишини ким натамайди дейсиз.

Носиржон ОХУНОВ.
Қўқон шаҳри Черин-шевский кўчаси, 39-уй 26-хонадон соҳиби.

кент оқшом» газетаси ҳақиқатан менинг энг сеникли наشريм бўлиб қолмоқда. Аллоқа бўлимига бориб биринчи навбатда 1995 йил учун ана шу газетани обуна бўлиб, Тўғри, «Тошкент

оқшом»да асосан пойтахт ҳаёти билан боғлиқ мавзулар, янгиликлар ёритилади, қоларсиз у Қўқонга бироз кечикиб етиб келади. Аммо ундаги бири-бирдан қизиқ мақолалар, энг сўнгги янги-

ликлар, айниқса ўзбек тилишуносига оид, ҳуусан «Тўғри» эътибор — алға «Тўғри». «Сўз» тағдирда сўз бор рўқини остидаги таъдир қўсулди мақолалар ишнинг бештибор қолдирмай-

ди. Шунинг учун ҳам у Қўқонда севиб ўқилади. Сўнгги пайтдаги газеталардаги ўзгаришлар ҳам тилишуносликка оид ётаган мақолалар билан қатнашиб истаги тугилди. Эндиликда

Бутунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Кийим-кечаклар ва озиқ-овқат маҳсулотлари ортлган 15 та вагондаги инсонларварлик қоклари Деновдан темир йўл орқали қўшни Тожикистонга жўнатилди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси «Ватан тараққиёти» партиясининг Олий Мажлис сайловда қатнашишини сўраб тақдим этган ҳужжатларини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ «Ватан тараққиёти» партиясининг Олий Мажлис сайловда қатнашишига икозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Чилонзор туманида уруш ва меҳнат фахрийларига «Жасорат» ва «Шуҳрат» медалларини тантанали равишда топириш маросими бўлди.

● Тошкентда ўтказилган савдо ярмаркасида пойтахт автотомобилларни таъмирлаш корхоналарининг маҳсулотлари намойиш этилди.

● Қорақалпоғистон бозори шу ерда ишлаб чиқарилган буюк билан бўлди. Бўёққа талаб қўпчилигини ҳисобга олган «Мискер» хусусий кичик корхона ҳодимлари билан «Муқаддас» жамоа корхонаси ҳодимлари бу келамб маҳсулотини ишлаб чиқаришга киришдилар.

● Термизда беш юз йўловчига хизмат қиладиган икки қаватли темир йўл вокзали бунёд этилмоқда. «Тошгипротранс» институту мутахассислари лойиҳаси асосида қурилатган иш-шоот Термизнинг иссиқ иқлимига мослаштирилган.

● Эртага Тошкентда Марказий Осиёнинг компьютер ва коммуникациясига бағишланган кўргазмаси очилади.

● Пойтахтдаги Киночилар уйда Ўзбекистон илмий-оммавий ва ҳужжатли фильмлар студияси ижодкорлари томонидан яратилган «Микроорганизмлар оламида» қисқа метраж-ли фильм «Уз қаҳрамонларига тақдим этилди.

● Самарқанддаги «Арго» кичик корхонасида касалхоналар ва поликлиникаларнинг айрим муаммоларини бартараф этишга кўмаклашувчи янги қўрилма яратилди. Ушбу қўрилма Тошкентдаги бир қатор тиббиёт муассасаларида синодан ўтказилди.

ҲАМДУСТЛИКДА

● Россия Давлат Думаси Россия Федерациясининг 1994 йилги Пенсия фонди бюджетини тасдиқлади.

● Виктор Герасименко 14 октябрь кунини Россия Марказий банки раиси Лавининдан истеъфога чиқишини билдирди. Палата раиси Иван Рибкин Давлат Думаси депутатларига ана шу ҳақда хабар берди.

● Оренбург вилоят маъмуриятининг раҳбари Владимир Елагин юз нафар энг ахши ўқитувчига вилоят мукофотларини топириди. Бу мукофотларнинг ҳар бири бир миллион рубдан иборат.

● «МММ» акциядорлик жамиятининг президенти Сергей Мавроди «МММ» акциядорлик иттифогининг швейс партияга айлантириш режасида ақиллигини айтди. У шунингдек, Россия парламентини қўйи палатасидаги ўрин учун курашда ғалаба қозонишга ҳам ишонч билдирди.

● Бугун Россия — Британия муносабатлари тарихида биринчи бор Москва Буюк Британия қироличиси Елизавета II ҳазрати олиларга ташриф билан келади.

● Львов автохаваскорлари ҳайдовчиларини ўқиб-ўрганишлари учун 1 миллион 100 минг карбованец, яна шунингдек амалий машғулотлар ўтказишга кетадиган бензин сарфи учун 600 минг карбованец тўлашлари керак.

● Биринчи мутасадди раҳбарлар ва мутахассислардан ташқари Қарағанда металлургия комбинатининг барча ҳодимлари тўрт кунлик иш ҳафтасига ўтказилди.

● Кеца Курил оролларида Рихтер ўлчови билан 6,9 кучдаги яна бир янги ер силқиниши юз берди. Вайронгарчиликлар ва ҳалок бўлганлар йўқ.

ХОРИЖДА

● Германияга Хоразмнинг Дўстлик шаҳарчасидаги автомобил заводида йилгилан дастлабки 50 та «Мерседес» юк машиналари техник қўриқдан ўтказиш ва ярим тиркамалар билан жамлаш учун жўнатилди. Кейин ана шу машиналарнинг ҳар бири Ўзбекистонга Германиядан сотиб олинган 18 тоналдан иборат жиҳозлар ва халқ истеъмол буюмларини келтиради.

● Эрон Европада Эрон ҳамда Туркия орқали келгуси йилнинг майига Туркменистондан ўтадиган газопровод лойиҳасини тайёрлашга тайёр эканлигини билдирди.

● Япониянинг «Тойота» концерни биринчи бор фақат Европа учун мўлжалланган енгил автомобил моделини тайарламоқда.

● Исроил Бош вазири Исхак Рабин, Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес ва Фаластин Озодлик Ташкилотининг раҳбари Ёсир Арафот 1994 йилги тинчлик учун Нобель мукофотининг соҳиблари бўлишди.

● Хитой соатлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР САЙЛОВ
КОМИССИЯСИДА

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайловлар бўйича шаҳар сайлов комиссиясининг 14 октябрь кунини бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда «Ватан тараққиёти» партияси шаҳар ташкилотларига қатнашчиларига икозат бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисида, шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига депутатликка номзодлар кўрсатиш бўйича йиғилишларга ўз ўзини бошқариш органлари-дан вакиллар метёри тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шаҳар сайлов комиссияси «Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари-га сайловлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қо-

XII Осиё
ўйинлари
яқунланди

ҒАЛАБА МУБОРАК,
ЮРТДОШЛАРИ

Кеча Япониянинг Хиросима шаҳрида 15 кун давом этган XII Осиё ўйинлари ниҳоятда етди. Қитъанинг энг нуфузли мусобақаси ҳисобланмиш ушбу ўйинларда 42 давлатдан келган 5 мингдан ортиқ спортчилар спортнинг 34 турини бўйича, 337 та медаллар шодаси учун қизгин кураш олиб бордилар. Республикаимиз терма жамоаси ҳам Осиёнинг энг кучли жамоаларидан бири эканлигини муносиб равишда исботлади.

Ўзбекистон терма жамоаси 10 та олтин, 9 та кумуш ва 17 та бронза медалларини қўлга кiritиб, умумжамоа ҳисобида фахрли 5-ўринни эгаллади. (Билгил атлетикачиларнинг кеча кўрсатган сўнгги натижалари халқ аниқламади). Шундай қилиб, ўйинлардаги энг сўнгги натижалар билан танишсинг.

● Мегрелик, 25 метрлик масофада тўпнотқандан отишда Шухрат Аҳмедов, Эшвер Осмонов ва Николай Репечевлар унчили Осиё рекордини ўрнатдилар. Улар умумий ҳисобда 1743 очко жамғаришиб, олтин медалларга сазовор бўдилар.

● Футболчиларимиздан Миржалол Қосимов энг ахши ярим ҳимоячиси, Игорь Шкларин энг моҳир ҳужумчиси, Юрий Шейкин эса энг ахши дарвозабони деб таъинландилар.

Бобур ҲУСАНОВ.

Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллигига

ТЕМУРХОН НАСЛИДИН СУЛТОН УЛУҒБЕК,
КИ ОЛАМ КЎРМАДИ СУЛТОН ОНИНГДЕК.

Алишер Навоий

Анинг абнойи жинси бўлди барбод,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд,
Ва лек ул илм сори топти чун даст,
Кўзи олинда бўлди осмон паст.
Расадқим боғламиш—зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки андин ёзди «Зижи Қўрагоний».
Қиёматга декинча аҳли айём,
Ёзулар онинг аҳкомидин аҳком.

Саккокий

УЛУҒБЕК МАДҲИ

Жаҳондин кетти ташвишу мабодийи амон келди,
Халойиқ айш этинг бу кун, сурури жовидон келди.
Таи эрди бу улус барча анингтеж жони бор ё йў,
Биҳамдиллоҳ ўгон фазли билди ул танга жон келди.
Бу мавкиб гарди сурмаси топиламас эрди бериб жон,
Қўрунг кўз бирла ҳақ сунъин ким, уш хуш ройгон келди.
Адамтеж барча бекларнинг боши кўкка керак тегса,
Ким онлар такъия қилгоди бу қутлуғ остон келди.
Жаҳондин аҳраман кетиб, мусаххар бўлғай инсу жон,
Ким, уш тахтини ел кўтруб, Сулаймони замон келди.
Бойинди тахтининг қадри, ўзинг тож кўкка тошлоди,
Адолат боғи сабз ўлди, чу Нўшини равон келди.
Керак жон булбули тун-қум наводни тинмас ҳар дам,
Чу дўстларига хуррам ёз, адуларга хазон келди...
Бу кундин сўнгра кўп тингай раиятлар риоятдин,
Улус ҳақида минг турла, атодин меҳрибон келди,
Қўнгулар бўлди хуш равшан кўруб қолмоди бир зарра,
Қоронғулуқ кетиб, холи чу хуршеди замон келди.
Суюнсун хусрави олий гуҳар султон Улуғбекким,
Шаҳаншаҳ Шохруҳбектеж шаҳи хусрав нишон келди.
Бу шохнинг лашкари қайси вилоят сори азм этса,
Фалақдин ҳар замон ул дам нидойи «алъамон» келди,
Булар элга қилч, найза олиб ҳайжога кирганда
Ҳеч иш келмоди аъдодин магар оҳу фиғон келди.
Бу лашкар етканин кўрсанг йсаб аъдонинг устига,
Соғингайсан черик эрмас, магар гурзу синон келди.
Салотин дунёда кўп келдию кетти, сенингдек бир,
Фалақнинг гар тили бўлса ойнитсиним, қачон келди?
Шаҳо, лутфунинг топқум деб дуочин банди Саккокий,
Белин жони билди боғлаб бу хизматга равон келди.

Абдураззоқ Самарқандий

«Расадхонанинг биноси давлат асосидек пойдор, девор-
лари эрса салтанат низомидек устивор қилиб мустаҳкам-
ланди, иморатини тиклаш ва устуларини кўтариш (оят-
даги) «албатта ўша (қиёмат) кунини тоғлар сайр этади»
дейилган кунгача барқарор турувчи тоғлар киби йиқилиш
ва нуруланишлардан омон қолатургон қилиб бажарилди.
Ва яна (оятдаги) «етти мустаҳкам қуббадор қасрдин»
намуна бўлгон ул олий бино ва улус сифатлик иморат-
нинг хоналари ичига тўққиз фалақнинг ҳайъати ва тўқ-
қиз осмон доиралари шакллари даражалар, дақиқалар,
сониялардан тортиб то ошираларигача чизилди. Айланув-
чи фалақлар, етти сайёра юлдузлари, собита юлдузлар
кўриниши, ер курастарининг ҳайъати ва етти иқлим сурати

...Аждодларимизнинг пок руҳлари

шод бўлсин, уларнинг орзуларига

муносиб ва садоқатли бўлайлик.

Ислом КАРИМОВ.



Соҳибқирон Амир Темурнинг
тўртинчи ўғли 18 ёшли Шохруҳ
Мирзонинг тўнғич ўғли Улуғбек
Мирзо ҳижрий 796 йил 19 жумод
ул аввал, милодий 1394 йил 22
март яқинда кунни Ироқи Ажам-
нинг Султония шаҳрида дунёга
келди. Унинг онаси малика Гавҳар-
шодбегим эди. Янги меҳмоннинг
ёруғ дунёга келиши, Соҳибқирон
Амир Темурнинг «беш йиллик
юриси» пайтига тўғри келган эди.

Бинобарин, Соҳибқирон ҳарамига
мансуб бўлган маликалар ва ёш
болалар лашкарининг ўғруқиди
(ўрдутоқ) Сарой Мулк хоним (Ви-
бихоним) бошчилигида Султонияда
турадилар. Амир Темур эса Ироқ-
нинг шимолидаги Мордин қалъаси-
ни иншоғ қилиш учун жанг олиб
борар эди.

Улуғбек туғилган, Сарой Мулк
хоним Шохруҳ Мирзонинг фар-
занд кўрганлиги ҳақидаги хушха-
барни Амир Темурга етказиш
учун чопар юборади. Шарафуддин
Али Яздийнинг берган маълумоти-
га кўра, бу хушхабар Соҳибқирон-
нинг Мордин қалъасини забот этган
қунига тўғри келган. Амир Темур
мазкур хушхабарни бағоят хушнуд
бўлиб, янги меҳмон пойи қадами
ни шарафлаб, шаҳар халқига
омонлик бериб, хирождан воз ке-
чган ва шаҳар ҳокимлиги мансаби-
ни собиқ ҳоким амир Султон Исо-
нинг укаси амир Султон Солиҳга
инъом қилиб, ўзи орқага қайт-
ган.

Янги меҳмонга Муҳаммад Тара-
гай деб ном берадилар. Тарихчи
Аҳмад Рафиқнинг олти жиллик
«Буюк тарихи умумия» номи
асарининг тўртинчи жилдида (Ис-
танбул, ҳижрий 1327, милодий
1909 йилда чоп этилган) «Тара-
гай» сўзи эски туркча «Тарла» кў-
ши номи билан боғлиқ эканлиги
ҳақида сўз юритилган. Маълумки,
бу ном Темурнинг марҳум отаси-
нинг номи бўлиб, ҳали Темурий
шаҳзодалардан ҳеч бирига «берил-
маган эди. Лекин кўп ўтмай чақ-
алоқнинг ҳақиқий номи тилдан ту-

ОЛИМ
НОМИНИНГ
ТАЪРИФИ

ҳаммад Тарагайга Улуғбек номи
берилиши аниқ бир ҳолдир. Чунки
Муҳаммад Тарагай ҳали ёш чақ-
алоқ, аниқроғи мурғак гўдакка,
ҳали ким бўлиб етишиши номатъ-
лум бўлган ёш болага Улуғбек
деб ном берилиши ҳақиқатан ҳам
ажабланарлидир.

Академик В. В. Бартольднинг
фикрича Улуғбек деган унвон ўз
даврининг таомилига мувофиқ,
Темурнинг ўзига хос унвони эди.
Зотан Темур сулоланинг бошлғи
сифатида бу номга лойиқ эди. У
ҳолда нима учун Муҳаммад Тара-
гайга — Улуғбек номи берилган.

Бунда ёш Муҳаммад Тарагайнинг
қайси жиҳатлари ҳисобга олинган?
Ислом оламида диний бир ақи-
да ҳукмрон бўлиб, мазкур ақида
Марказий Осиё халқлари ўртасида
ҳозиргача давом этиб келади. Ми-

сол учун бир киши ўз отасининг
ёки бобосининг номини ёхуд ўз
хонадонига азиз ва муътабар бўл-
ган бирор улус инсонининг номини
муқаддас тутиб, ўз фарзандини шу
исм билан атайдиган. Шундан сўнг
мазкур ёш боланинг номини тоқ
атамаслик, ҳатто уни номига «хон»
ёки «ота» ибораларини қўшиб
қўйиб, мисол учун Юсуфхон, ёки
Юсуф ота деб мурожаат қилиш,
кўп ҳолларда эса болани сизлаб
чақириш одатлари мавжуд.

Молomini шундай экан Темур
ҳам ўз замонасининг шундай тао-
милидан четлаб ўтолмаган. Бино-
барин, Темур ўз отасининг номини
абдийлаштириш мақсадида Шох-
руҳ Мирзонинг тўнғич ўғлига Му-
ҳаммад Тарагай деб ном берган.
Лекин кўп ўтмай чақалоқнинг ҳа-
қиқий исми тилдан тўшиб, унинг
ўрнига Улуғбек деб атала бошла-
ган. Бунинг сабаби нимада? Бу
ҳақда манбаларда ҳеч қандай маъ-
лумотлар учрамайди. Фикримизча,
ҳукмдор Темур ҳузурида ёш бола-
ни Муҳаммад Тарагай деб чақи-
ришга истиҳолга қилиб, мазкур ном
га муқояса тарзида ном топишга
ҳаракат қилишган. Бу мушкулот-
ни ҳал этишда соҳибқироннинг
«Амир»лик унвонига мурожаат
қилинган.

«Амир» сўзи форсча бўлиб,
туркийда «Бек» маъносини бил-
дирган. Ҳар ҳолда Темурнинг ўзи-
га «Бек» деб, унинг ҳурмати юза-
сидан отаси Муҳаммад Тарагайни
«Катта бек», яъни «Улуғбек» деб
хотирлашган бўлиши керак. Шу
боис Муҳаммад Тарагайнинг номи
берилган болани ҳам, мазкур рам-
зий ном билан, яъни Улуғбек деб
аташган бўлса ажаб эмас. Шун-
дай қилиб Муҳаммад Тарагай —
Улуғбекка мубаддал бўлиб, аба-
дийлашиб кетган бўлиши керак...

Турғу ФАЙЗИЕВ.
Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Абу Райҳон Бери-
ний номидаги Шарқшунослик
институтининг катта илмий хо-
лми, тарих фанлари номзоди.

АЛЛОМА ҲАЁТИ
СОЛНОМАСИ

- 1394—Мирзо Улуғбек туғилди (22 март).
- 1399—1402 — Улуғбек бобосини Ғарбий Эрон, Озарбайжон ва Туркияга қилган ҳарбий юришида куза-тиб борди.
- 1404 — Улуғбекни амакиси Муҳаммад Султоннинг қизи Ўғай бегимга уйлантиришди (16 октябрь).
- 1405— Амир Темур вафот этди (18 февраль, Ўттор).
- 1406—Мирзо Улуғбекка Тус, Ҳабшон, Калот, Нисо, Абивард, Язир, Сабзавор ва Нишопур суюрғол тарзида инъом қилинди.
- 1408— Табризнинг Шанби Ғозоний деган мавзеси-да Мирзо Мироншоҳ Қора Юсуф (1389—1402) га қарши жангда ҳалок бўлди (22 апрель).
- 1409—Мирзо Улуғбекка Мовароуннаҳр инъом этил-ди.
- 1416— Улуғбек Оқ ўрда ҳукмдорларига қарши Сир-дарё соҳилларига қўшин тортди (март-апрель); Қошғар Улуғбек давлати таркибига қўшиб олинди; Самарқандга Мўғулистондан элчилар келди.
- 1417— Бухорда Улуғбек мадрасаси қуриб битирил-ди.
- 1419 — Улуғбекнинг рафиқаси Ўғай бегим вафот этди; Улуғбек Сирдарё бўйларида қараб қўшин тортди (август-октябрь); Улуғбек Бухорога борди (ноябрь); Са-марқанддан Хитойга элчилар жўнатилиди (декабрь).
- 1420 — Самарқандда Улуғбек мадрасаси қурилиши тамомланди.
- 1421 — Мирзо Улуғбек Ўғил кўрди (13 январь). Унга Абдурахмон деб исм қўйилди.
- 1424 — Самарқанд мадрасасининг жануб тарафида хонаоҳ, муқаттаъ масжиди, Регистонда эса Мирзойи ҳаммоми қурилди, расадхона қурилиши бошланди.
- 1426 — Бароқхон нуфузи кучайиб кетди ва Оқ ўрда билан темурийлар давлати ўртасида муносабатлар ёмон-лашди.
- 1427 — Ҳиротнинг жоме масжидида Шохруҳга суиқасд қилинди (21 январь).
- 1430 — Йирик олим ва Улуғбекнинг сафдоши Ғий-сиддин Жамшид Қошоний вафот этди.
- 1432 — Улуғбекнинг ўғли Мирзо Абдурахмон ва-фот этди (15 январь).
- 1433 — Улуғбек Мирзонинг Ғиждувондаги мадраса-си қуриб битказилди.
- 1435 — Шахрисабзда Қўк гўмбаз масжиди ва Гум-бази Саййидон бино қилинди.
- 1437—Йирик олим ва Улуғбекнинг устози Қозизо-да Румий вафот этди, Мирзо Улуғбекнинг «Зижи жади-ди Қўрагоний» асари ёзиб тамомланди.
- 1441 — Мирзо Абдуллатиф буви-си Гавҳаршодбе-гимдан араблаб, Самарқандга келди. Вазири аълам Носи-риддин Ҳавофий вафот этди.
- 1447 — Шохруҳнинг вафоти (12 март); Абдулла-тиф билан Олоуддавлa ўртасида тожу тахт учун кураш ва Абдуллатифнинг асир олинishi (29 апрель); Улуғбек билан Олоуддавлa ўртасидаги музокаралар ва Абдулла-тифнинг асирликдан қутқарилиши.
- 1449 — Хуросон тахтини Абулқосим Бобур эгалла-ди; Улуғбек қўшини Дамашқ ёнида Абдуллатифдан енгил-ди (17 октябрь); Улуғбек Маккага жўнаб кетди ва Самар-қанд яқинида хоннона ўлдирилди (25 октябрь).
- 1450 — Абдуллатиф Улуғбекка содиқ кишилар то-монидан қатл этилди (9 май).



Фуркат боғида маҳаллалар ўрта-сида спартакиада бўлармиш, деган хабарни эшитиб, ўша ёққа шошаётганимизда ҳар бекатдан байрамона кийинган, ҳуш кайфиятли кишилар фарзандларини ҳам етаклашиб, троллейбусга чиқишганининг гувоҳи бўлдим. Боғнинг рўпарасидаги бекатда эса, троллейбус девари бўш қолди: ҳамма боғ томонга ошқарди. Бунинг кўриб биз ҳам бугунги сайи — спартакиаданинг навадари қизил ва қизил, ўтнинг тавабур қилди. Ўй-ўйланай ўтнинг етаклаб келадиган полвон келбатли киши билан танишиб ҳам олдик.

ратдир, деб айтилган.

Хуллас, истиклол шарофати, Президентимизнинг катта эътиборлари билан миллий қадриятларимиз ва турмуш тарзимида бўлган муносабатларда борган сари ижобий силжилар кўзга ташланипти. Бунинг буғунги ҳалқ сайли мисолида ҳам кўриш мумкин. Спартакиаданинг ўтган кичик босқичида фаол иштирок этганлар орасида умумжамоа ҳисобида Шайхонтоҳур тумани маҳаллалари — биринчи, Чилонзор тумани — иккинчи, Сергели ва Миробод туманлари эса кейинги ўринларда бориш-лпти...

— Бугунги мусобақалар курашимизни ривожлантириш йўлидаги янги қадамлар бўлди, — дейди Мухаммад ака. — Энди тез-тез мана шундай мусобақалар уюштиришга ҳаракат қиламиз. Мақсадимиз — ушбу кураш бўйича беллашувларни жаҳон миёсига олиб чиқиш. Кавказорти ва кўпгина Шарқ давлатларида, Қозғоқ ва Хитой томонларида ҳам бизнинг курашга ўхшаб кетадиган спорт турлари бор экан. Яқинда Ахмад полвон хотирасига бағишлаб халқро турнир ўтказмоқчимиз. Ғолибларга катта соғирлар ажратилади. Кейинчалик ўтказиладиган мусобақалар

аввал фақат суратларидега кўрарди. Сабаби — ушбу спорт тури фақат Ғарбда ривожланган. Турмуш-шимизга «видеонинг кенг кириб келиши натижасида Арнольд Шварцнегер, Жан Клод Ван Дам каби мушакдор кино «юлдузларини ҳам кўрдик. Энди эса ана шундай мушакдор спортчилар ўзинида ҳам кўп-л топилди. Тош кўтариб беллаш-аган паҳлавонлар баҳсини кўриб, халқимиздан ана шундай фикрлар кечди. Жуссаси кичикроқ атлетга чет эл матбуоти, «австралиялик кичик гига» дея таъриф берган эди. Ҳозир бизнинг спортчиларимиз улاردан сира қолишмайдилар. Мисол учун спар-такиадада тош кўтариш баҳсида 70 килограмм вазн тоифасида 1-ўринни олган Чилонзор тумани «Мевазор» маҳалласи вакили Хусан Ҳамзаевни айтиш мумкин. Ақмал Икромов тумани, «Ширин» маҳалласидан А. Догбо-ев, Миробод тумани, «Толариқ» ма-ҳалласидан И. Риб, Сергели тумани-нинг «Баҳор» маҳалласидан Н. Қаз-қовлар ҳам энг кучли эканликларини исботладилар. Беллашунинг энг сўн-гида эса... ҳақанинг ўзи, «Мева-зор» маҳалласининг вакили бўлган Камолдин Панов ҳам айни кунда чи-қиб, 24 килограмм тошни ҳар бир кўлида 70 мартадан, жами 140 марта кўтариб, бечарани лол қолдирди. Ва табиийки, спартакиаданинг мутлақ ғолиблиги ҳам унинг номида қолди. Камолдин Панов — тош кў-тариш бўйича республика чемпиони, оғир атлетика бўйича спорт устаси, кучли уч кураш (пауэр-лифтинг) бўйича ҳам спорт устаси эканлиги эътиборга олинса, бу муваффақият-ларнинг сирини аён бўлади.

Спартакиада — кўнгилдагидек иш бўлди

— дейди ўзини Тўлқин Рустамов деб таништираган ишчибо. — Ушбу Шайхонтоҳур туманидаги «Белтепа» маҳалласининг оқшомидан, Азла-дан кураш тушиб юрардим. Бугун ҳам бирорта ўзим тенги билан бел-боғ ушлашмоқчиман. Маҳалламизда-даги ана иккита полвонни ҳам бу ерга тақлиф этдим. Умуман бизда спортга қизиқувчилар жуда кўп. Ўзининг «Белтепа» футбол жа-моасининг тузғанимиз, кўшми ма-ҳаллалар билан тўп суришиб тура-миз. Маҳалламизда янги ташкил қи-линг. Ундаги 13 та кўп қаватли уйда 15 минг аҳоли истиқомат қи-лади. Бундай уйлардан яна 18 та ку-риш мўлжалланган. Маҳалламизда-даги жойининг қадимги тарихий номи билан «Белтепа» деб атадик. Ол-динда қилинадиган ишларимиз жуда кўп. Ҳозирча кичикроқ футбол майдонимиз бор, бошқа ишхоналар ҳам куриш ҳаракатида. Шарқона яккураш, бокс, миллий кураш тўғрисидаги оқшомимиз. Чунки бу турларга қизиқувчи шиларимиз жуда кўп, бу эса — энг асосий юту-гимиз. Қулай шартлар аратиш учун имкониятлар топилади. Тумани-мизда ҳоқимлиги маҳалламиз учун керакли спорт жиҳозларини олишда ердан берадиган бўлди.

Фидойилик — муваффақиятлар омили

Боксга кириб келганимизда ҳамма-ёқ озода, чиннидек супуриб-сиди-рилган эди. «Маҳалла» ашула ва рақс дастасининг ҳушвоз хонанда-си Уктам Эргашевнинг дилрабо кў-шнқлари эса тадбирга ажиб бир фазз бағишлайди. Ширинликлар ва чанқовсодди ичинликлар билан са-во до қилаётган сотувчи Бахтиёр Ориф-жоновнинг кўли-қўлига тегмайди. Чунки байрамона кайфиятда, кўн-гилли ҳордиқ чикариш учун бу ер-га келадиганлар борган сари кўпая-лпти.

Тошкент шаҳар маҳаллалари аҳолиси ўртасида «Саломатлик ва бардамлик» деб номланган спарта-киададан янги аҳоли қисмининг айнан ушбу боғда ўтказиладиган-лигининг сабаби бор, — дейди биз билан суҳбатда пойтахт жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раисининг ўринбосари Суҳбат Пўлатов. — Бу боғ аҳоли зич яшайдиган маҳалла-ларнинг ўртасида жойлашган. Мақ-садимиз — халқ ўртасида мумкин қадар спортни оммавийлаштириш, миллий спорт турларининг иффузи-ни кўтаришдир. Бу тадбирларда ён-дош маҳаллалардан қанчалик кўп одам катнашса, ютуғимиз шунчалик катта бўлади. Спартакиада низомида ҳам «Мақсад — маҳаллаларнинг бар-ча аҳолиси, ишлар ўртасида омма-вий соғломлаштириш ва спорт иш-ларини янада ривожлантириш, соғлом турмуш тарзига, маданий ҳордиқ жисмоний тарбия ва спортга жалб қилишни кенг тарғиб этишдан ибо-

* Саломатлик ва бардамлик байрами МАЙДОНДА — МИЛЛИЙ СПОРТ УСТАЛАРИ

Боғнинг ўртасида, саҳна олдидаги кичик майдонча атрофида одамлар борган сари гавжумлашарди. Ўртада — полвонлар учун гилла тўшалган давра ҳозирланган. Суҳбат Пўлатов ва спартакиаданинг бош ҳақами Тўлқин Шайхонтоҳур сўзга чиқиб, мусо-бақаларни очиб деб эълон қилдилар.

Даврани Тошкент шаҳар қарат-тирчиликнинг раиси, таниқли мураб-бий Нурхон Нафасов раҳбарлигидаги «Шарк» жағовар яккураш клуби-нинг спортчилари бошлаб беришди. Нурхон Нафасов ва унинг шоғирла-ри ҳақида фақат илк фикрлар айт-иш мумкин. Юртимизда шундай фидойи мураббийлар борлиги учун ушбу спорт тури туркираб ривож-ланапти. Унинг шоғирлари хали бирор мусобақадан ҳам соғиринга қайтмаганлар. Нурхон ақининг тўғ-рақларида шугулланувчилар сон-и эса тобора ортиб борапти. Мана, ҳозир ҳам кўргазмалар машқлари қониймоқчи қилиб бажарилган иш спортчиларни кузатётган одамлар-нинг юзидан ҳаяжон, кўтаринкилик ва ҳуш кайфият балкиганини кўрдик. Уларнинг қишқирлар гулдурас қар-сақлар билан олқишланди.

да эса, курашнинг иккала тури — фарғонача ва бухороча усуллардаги беллашувларни биргаликда ўтказиш-ни мўлжаллашарми.

Кураш федерациясининг ташкилий ишлар бўйича мутасаддиси Носирхон Азизов шундай деди:

— Шаҳримизда курашни ривож-лантириш учун имкониятлар катта. Лекин кейинги пайтларда бунга сал камроқ эътибор берилди. Халқимиз ўртасида эса фарғонача курашга қи-зиқиш жуда кучли. Бу қизиқиш энг аввало шилқидан бошланади. Шу-нинг учун бундан кейин мактаблар ўртасида ҳам кураш беллашувлари ўтказилса, нур устига аъло нур бў-ларди. Фарғонача усулда кураш ту-ри билан қатнашган машҳур Ахмад полвон 1895 йилда Тошкентдаги Ко-ллизей томоғида рус императори-нинг пахлавони, кураш ерга тегма-ган чемпиони Ремпелни атиги икки дақиқада «чирпирак қилиб ерга бо-сан. Курашнинг ўша аввалиги шухра-тини тинчлаш вақти келди. Бугунги мусобақа эса, шубҳасиз жуда хайр-ли иш бўлди.

Фарғонача усул: ижобий қадамлар

Миллий-спорт ўйинларимиз жуда хилма-хил. Буларнинг ичидеги миллий курашнинг ўзи бир дунё. Кейинги пайтларда курашнинг бухороча усу-лига эътиборнинг кўайгани жуда ахши иш бўлди. Ушбу кураш тур-и бўйича юртимизда ўтказиладиган катта-кичик халқаро мусобақаларда кўп-ла иштирокчи полвонларнинг номилари таниқли. Президент соғирин-нинг соғиб Абдуқодир полвон Пир-матов, Эрали полвон, Рустам ва Урол полвонларнинг доғруғи Марка-зий Осиди худудларидан ҳам анча узоққа таралган.

Миллий курашнинг фарғонача усу-ли ҳам гузаллиги ва қизиқарлиги билан бухороча курашдан асло қо-лишмайди. Тошкентлик машҳур Ах-мад полвон Толиббой ўғли, наман-ганлик Қоратой полвон Юсупов, пис-кентлик Тўйчи полвон Раҳимовлар ҳам фарғонача усулдаги курашда до-ғру таратганлар. Анчадан бери ўтказил-май кўйилган фарғонача кураш му-собақаларига бугунги спартакиада дастуридан ўрин берилганини шуб-ҳасиз, жуда хайрли иш бўлди.

Биз бу ҳақда Ўзбекистон спорт қў-митаси қошидаги миллий курашнинг фарғонача тури бўйича президенти Мухаммад Ҳайдаровнинг фикрлари-ни сўрадик:

Кичик «полвон»лар бизда ҳам бор!

Миллий кураш билан бир вақтда тош кўтариш ва арқон тортиш мусо-бақалари ҳам бошланиб кетди. Биз арқон тортувчилар ёнига бориб, ҳа-қиний пахлавонлар шу ерда йиғил-ганинига ишон ҳосил қилдик. Ўй-ғонлиги биланқад келадиган арқон ҳар иккала томондан ўн-ўн беш чо-ли азаматлар томонидан шундай куч билан тортилдики, агар бунинг ў-ринида энг оғир занжирли трактор бў-ларидан ҳам худди болалар ўйинчоғи мисоли енгилгина судуриб кетар-ди. Бунинг устига ишқибозларнинг қийириги, мададини айтмайсизми! Бундай пайтда ҳар қандай биланқа ҳам кучу гайрат тўлиб-тошади! Аммо «эўрдан ҳам зўрроғи чиқар» дейил-ганидек, бу беллашувда Шайхонто-ҳур туманининг «Жаҳон» маҳалла-си (оқшоқоли — Абдусаммад Махму-дов) пахлавонларига тенг келадиган-лар топилади. Иккинчи ўрини эса Миробод туманининг «Толариқ» ма-ҳалласи (оқшоқоли — Отабек Раҳи-мовдан келган биллиги бақувват йиғитлар эгалладилар. Чилонзор ту-мани «Нўғайқўрғон» маҳалласи (оқ-шоқоли — Ҳамид Бурхоннинг пах-лавонлари эса, учинчи ўрин билан кифояландилар.

Атлетлар, яъни ўта мушакдор га-дали спортчиларни бир неча йиллар



ХУСУСИЙЛАШТИРИШ —
БУ ВОЙЛИК ВА
ФАРОВОНЛИККА ЭЛТУВЧИ
КУЛДИР

СОТИБ ОЛИНГ, ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!

КИМОШДИ САВДОСИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Давлат мулки қўмитасининг Тошкент шаҳридаги бошқармаси, Тошкент ша-ҳар ҳоқимлиги мулк қийматини йўқла-малаш, баҳолаш ва турар-жой жамгар-

масини хусусийлаштириш мудирилиги
ҳамда Тошкент шаҳрининг универсал
қўчмас мулк биржаси

1994 йил 29 октябрда
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
КЎЧМАС МУЛК

ОБЪЕКТЛАРИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ
ОЧИҚ ҚИМОШИ САВДОСИ УТҚАЗИЛИШИНИ
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

КИМОШДИ САВДОСИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР
ҚУЙИЛАДИ:

1. ҚУЙИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН ИККИ ҚАВАТЛИ ОЛТИ ХОНАЛИ ПАРДОЗ ИШЛАРИ БАЖАРИЛМАГАН 14-СОНИ КОТТЕЖ.



Тошкент шаҳри, Ақмал Икромов ту-мани, «УРИКЗОР» даҳаси ҳалқа йўли ёнида жойлашган 14-сонли кotteж. Ер майдони 600 м². Уйнинг умумий майдони 521,6 м², жумладан яшаш майдони 321,6 м², ертўла майдони 230 м². Қурилиш ишларининг ҳажми 58 фоизга бажарилган. Сув, иссиқлик ва газ таъминотига уй ақинидаги комму-нацияларга улаш мўлжалланган. Ер майдони доимий фойдаланишга бери-лади.

14-сонли кotteжнинг бошланғич нархи — 800,0 минг сўм.



2. «САМАРҚАНД» АВТОБЕКАТИ БИЛАН «ЖАНУБИЙ» ТЕМИР ЙЎЛ БЕКАТИ ЕНИДАГИ ҲУДУДА ЖОЙЛАШГАН УНТА ЯНГИ ДУКОН (буюртаччи метрополитен)

Дуконлар шлобкок материалларидан қурилган, ички қисмининг пардоз иш-лари тугалланган. Унта дуконининг уму-мий майдони 0,04 гектар, ер майдони доимий фойдаланишга берилади. Бир дуконнинг авло майдони 18 м². Ҳар бир дукон алоҳида-алоҳида сотилади. Бир дуконнинг бошланғич нархи — 250,0 минг сўм.

Яқасарой туманида жойлашган.



3. ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ СЕГИЗБОВ КЎЧАСИ, 19-МАНЗИЛ. ГОҲДА ЖОЙЛАШГАН «ТОШДА» ҲАРИТЎЛОВЧИТАНС-НИНГ 7-ЕТОҚХОНАСИ

Автобус ва трамвай қатнови йўна-лишларидан узоқда бўлмаган, яшил зо-нада жойлашган 96 хонадан иборат, 224 ўрнили панелли, 9 қаватли бино. Уму-мий майдони 2580 м², фойдали майдон-и 1344 м². Бино 1981 йили қурилган ва қониларли ҳолатда. Ер майдони белги-ланган тартибда доимий фойдаланишга берилади.

Бошланғич нархи — 5000,0 минг сўм.

4. ЛИСУНОВ КЎЧАСИ (Оҳангарон йўналиши)да ЖОЙЛАШГАН «ТОШ-ШАҲАР»ЛОВЧИТАНС-НИНГ ЕТОҚХОНАСИ

Бино 4 қаватли, 152 хонали, 1975 йилда қурилган. Қониларли ҳолатда. Умумий майдони 2504 м², фойдали май-донини 2388 м². Ер майдони белгилан-ган тартибда доимий фойдаланишга бери-лади, атрофи темир панжара билан ўралган, ҳовлисида 2 та томи ёпилма-ган гиштли бино бор.

Бошланғич нархи — 1500,0 минг сўм.

5. «ЧИЗЕЛЬ» — ГЕНЕРАЛ ПЕТРОВ ДАХАСИДАГИ «РАЙЗАГС», 30 «Б» ТУРАР-ЖОЙ УЙИГА ТАҚВА ҚУРИЛГАН ИШПОТ ҚИСМИ.

(буюртаччи Тошкент шаҳар ҳоқимиятининг капитал қурилиш бош бошқармаси)

Ишпоот бир қаватли, шлобкокдан қурилган, ертўласи бор. Объектнинг умумий майдони — 870 м². Қурилиш-нинг тайёргили 50 фоиз.

Бошланғич нархи — 2.000,0 минг сўм.


6. ЛОНИҲА КЎЧАСИ (4-ТТЗ даҳаси)даги, ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН МОДУЛ КОНСТРУКЦИЯСИ

Қурилишнинг тайёргили 30 фоиз. Ат-рофида (пойдевор, металл устулар, томи, ертўласи). Модул конструкцияси-нинг майдони 400 м². Ер майдони 0,34 гектар бўлиб, белгиланган тартибда до-имий фойдаланишга берилади.

Бошланғич нархи — 1.700,0 минг сўм.

ЯҚАСАРОЙ тумани, Ш. Рашидов кўчаси, 40-уй биносидеги «ХУЖАЛИК МОЛЛАРИ (ҳарбий савдо)» ДУКОНИ. Объектнинг умумий майдони — 234 кв. м.

Дастлабки даҳаси — 1.500,0 минг сўм.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳоқимлиги

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тинорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 56-54-68, 32-56-66

Эълонлар ва ижтимоий таърифи учун жабо-ларни қилиб берган таъминотчи ва шарт-шартлар.

Нашрият етказиб бериш маса-лалари бўйича турар жойлар-даги пошта бўлмасида ёки «Тошкент пошти» шаҳар по-ста қорхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефо-нига мурожаат қилишнинг мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қороз бичими - А-2. Нашр қўрсатқичи - 64690.

«Шарк» нашрият-матбаа конфе-рми босмахонаси. Қорхона манзили. «Буюк Шўрон» кўчаси, 44-уй.